

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

PhD, доц. **Жамолов Жўрабек**
Тошкент Perfect-university
ORCID: 0009-0005-0122-318X
jamolovjorabek39@gmail.com

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишни тартибга солиш ва рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари ва уларнинг фаолиятига тўхталиб ўтилган. Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги таркибида “ягона дарча” сифатида “онлайн” режимда фаолият юритувчи ҳамда инвесторлар, манфаатдор давлат органлари ва маҳаллий ҳокимликлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштирувчи инвесторлар марказини ташкил этиш таклифи асосланган. Шунингдек, замонавий шароитларда иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишни тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: “ягона дарча” сиёсати, хорижий инвестиция, иқтисодий сиёсат, стратегия, экспорт имконияти, инвестиция фаолияти, инвестицион муҳит, инвестицион сиғим, инвестицион лойиҳалар, инвестицион жозибadorлик, инвестицион сиёсат.

НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕХАНИЗМОВ РЕГУЛИРОВАНИЯ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В ЭКОНОМИКУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

PhD, доц. **Жамалов Джўрабек**
Ташкентский Perfect-University

Аннотация. Освещены направления совершенствования механизмов регулирования и стимулирования привлечения иностранных инвестиций в экономику Узбекистана и их деятельность. В качестве “единого окна” в рамках агентства по привлечению иностранных инвестиций предлагается создать Центр для инвесторов, который работает в режиме “онлайн” и координирует взаимодействие между инвесторами, заинтересованными государственными органами и местными властями. Также в современных условиях были изучены направления совершенствования механизмов регулирования привлечения иностранных инвестиций в экономику.

Ключевые слова: политика “единого окна”, иностранные инвестиции, экономическая политика, стратегия, экспортные возможности, инвестиционная деятельность, инвестиционная среда, инвестиционный потенциал, инвестиционные проекты, инвестиционная привлекательность, инвестиционная политика.

DIRECTIONS FOR IMPROVING REGULATORY MECHANISMS FOR ATTRACTING FOREIGN INVESTMENT INTO THE ECONOMY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

PhD, assoc. prof. **Jamolov Jurabek**
Tashkent Perfect-University

Abstract. *The directions of improving the mechanisms of regulation and stimulation of attracting foreign investments into the economy of Uzbekistan and their activities are highlighted. As a "single window" within the framework of the agency for attracting foreign investment, it is proposed to create an Investor Center that operates online and coordinates interaction between investors, interested government agencies and local authorities. Also, in modern conditions, the directions of improving the mechanisms for regulating the attraction of foreign investment in the economy were studied.*

Keywords: *single window policy, foreign investment, economic policy, strategy, export opportunities, investment activity, investment environment, investment potential, investment projects, investment attractiveness, investment policy.*

Кириш.

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишни тартибга солиш ва рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари ва уларнинг фаолиятига тўхталиб ўтадиган бўлсак. Жаҳон мамлакатлари хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун турли усуллар ва воситалардан фойдаланадилар, Сиёсий ва иқтисодий вазиятнинг барқарорлигини, ресурсларнинг мавжудлигини, қонунчилик ва ҳуқуқий тизимнинг шаффофлигини, инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўз ичига олган қулай инвестицион муҳитни яратиш асосий йўللardan биридир. Бугунги кунда хорижий инвестицияларини жалб қилиш учун мамлакатлар махсус иқтисодий зоналар ёки ишлаб чиқаришни жойлаштириш шартлари, солиқларни камайтириш ва имтиёзлар бериш, субсидиялар каби турли йўналишдаги воситаларни қўлламоқда. Бундан ташқари, турли давлатларда мамлакат маҳсулотларини кўргазмасини ташкил этиш, инвестиция форумларини ўтказиш орқали ўзларини халқаро бозорларда фаол равишда тарғибот ишларини олиб боради. Шу билан бирга, хорижий инвестицияларни жалб қилишни тартибга солиш миллий манфаатларни сақлаб қолиш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун ҳам эҳтиёткорлик ва мувозанатни талаб қилади. Кўпгина мамлакатлар стратегик тармоқларни, миллий хавфсизликни ва технологик ривожланишни ҳимоя қилиш учун хорижий инвестицияларни тартибга солишга ҳаракат қилади.

Адабиётлар шарҳи.

Ўзбекистон иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари жараёнларини ўрганишга бағишланган илмий адабиётлар қаторида хориж олимлари билан бир қаторда Ғарб олимларидан

Макконнелл (1993) фикрича, инвестиция ишлаб чиқариш ва жамғариш воситалари асбоб-ускуналар, машина, завод-фабрика, транспорт воситалари, товар ва хизматларни истеъмолчига етказиб бериш тизими жараёнидир.

Кэмбелл (1993) инвестицияларнинг туб моҳиятини ёритиб берган, инвестициялар – бу ишлаб чиқариш ва ишлаб-чиқариш воситаларини тўплаш ҳамда моддий заҳираларни кўпайтириш ҳаражатларидир деб берилган таъриф амалий назарий жиҳатдан ифодалаб беради.

Розенберг (2007) ўзининг «Инвестициялар» луғатида инвестицияларга таъриф берар экан, инвестиция – кўпайтириш, даромад олиш ёки капитал ўстириш мақсадида пул сарфланишидир, деган фикрни юритади.

Миллий иқтисодиётдаги инвестицияларнинг ролига баҳо бериб, россиялик иқтисодчи олим Михайлова (2007) «инвестициялар келажакда даромад ёки ижтимоий самара олиш мақсадида капитални ҳар қандай шаклда қўйиш сифатида ифодаланади» деган фикрни илгари сурди.

Ўзбекистонда мазкур соҳада олиб борилган тадқиқотлар таҳлили кўрсатишича, миллий иқтисодиётга хорижий инвестициялар оқими таъсир қилувчи омиллар кенг доираси ўрганилган ҳолда, келгуси давр прогнозларини ишлаб чиқишда асосан иқтисодий кўрсаткичлар, жумладан, ЯИМ ва унинг ўсиши динамикаси, инвестиция фаоллиги, ишлаб чиқариш салоҳияти, савдо баланси, табиий ресурс салоҳияти, истеъмол салоҳияти, меҳнат салоҳияти, инфратузилма салоҳияти кабилар киритилган ҳолда институционал жиҳатлар омил сифатида эътибордан четда қолдирилган.

Жумладан, Валиев (2021) Ўзбекистонда ҳудудлар иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда инвестиция салоҳиятини ошириш механизмларини таҳлил этишга доир тадқиқотида “ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиш суръатларига асосий капиталга инвестициялар ўсиш суръатлари таъсири панел маълумотлар базасига асосланган регрессия функциялари орқали баҳолаган.

Кадинова миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестицияларнинг ролини ошириш масалалари (эркин иқтисодий зоналар мисолида)га қаратилган тадқиқотда ЯИМ дефлятори, инфляция даражаси, нарх индекси, кичик бизнеснинг ишлаб чиқариш ҳажми ва мамлакат савдо баланси (Аманова, 2023). кўрсаткичларидан мамлакатга киритилаши мумкин бўлган хорижий инвестицияларнинг ҳажмини прогноз қилишга қаратилган эконометрик моделларни ишлаб чиқишда омил сифатида фойдаланган. Юқорида қайд этилган тадқиқотлардан фарқли равишда фақат институционал кўрсаткичларга таянган ҳолда инвестициялаш жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишда унга таъсир кўрсатувчи омилларга бағишланган тадқиқот ишлари ҳам амалга оширилган.

Жумладан, Абдурахимова (2022) Ўзбекистонда инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишни такомиллаштириш доирасидаги тадқиқот ишида натижавий кўрсаткич инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишга солиқ-бюджет, валюта, нархни шакллантириш, талаб ва таклиф, иш билан бандлик сиёсатлари таъсири таҳлил этилган.

Тадқиқот методологияси.

Ўзбекистон иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, статистик маълумотларни ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усуллари кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Жаҳон иқтисодиётида хорижий инвестицияларни жалб қилишни тартибга солиш механизмлари сифатида қуйидагилар чиқади:

❖ тариф тўсиқлари: хорижий инвестициялар оқимини назорат қилиш учун божхона тарифларидан фойдаланиш. Бу айрим товар ва хизматлар импортига чекловлар қўйиш, шунингдек, экспортга юқори тарифлар ўрнатишни ўз ичига олиши мумкин;

❖ тарифсиз тўсиқлар: квоталар, экспорт чекловлари ва техник стандартлар каби

тарифсиз тартибга солишнинг турли шакллари ўз ичига олади;

❖ фискал имтиёзлар: хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун солиқ имтиёзлаи ёки субсидиялар бериш;

❖ қонунчилик ва тартибга солувчи тўсиқлар: хорижий инвестицияларга таъсир қилиши мумкин бўлган қонунлар ва қоидаларни яратиш ёки ўзгартириш;

❖ сиёсий тўсиқлар: активларга хорижий эгалик ҳуқуқини чеклаш ёки хорижий инвесторларнинг муайян бозорларга киришини чеклаш каби сиёсий қарорлар;

❖ бозор тўсиқлари: бозорларга киришни назорат қилиш, монополияларни ўрнатиш ёки маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга имтиёзлар бериш;

❖ инвестицияларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимлар: хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг фаолияти учун барқарор шароитларни таъминлаш учун халқаро шартномалар тузиш.

Хорижий инвестицияларни жалб қилишни тартибга солишни таъминлаш учун хорижий инвестициялар тўғрисидаги қонунлар, назорат ва лицензиялаш механизмлари, инвесторларни ҳимоя қилиш тизимлари каби турли ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқирилиши ва қўлланилиши мумкин.

Кўплаб тадқиқот ишларини ўрган ҳолда, шу нарса англанганики, макроиқтисодиётда давлат миқёсида инвестиция дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш босқичларини аниқлаб олиш зарур экан. Уларга қуйидагилар киради:

❖ инвестицион эҳтиёжлар ва мақсадларни аниқлаш: Ушбу босқич мамлакатдаги амалдаги иқтисодиёт ҳолатини таҳлил қилиш, тармоқлар эҳтиёжларини аниқлаш ва инвестициялар талаб қилинадиган стратегик мақсадларни ишлаб чиқишдан иборат;

❖ инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш: Инвестицион эҳтиёжларни таҳлил қилиш ва аниқлаш асосида унинг устувор йўналишлари ва йўналишларини белгиловчи инвестиция стратегияси ишлаб чиқилади;

❖ инвестицион лойиҳаларни режалаштириш ва баҳолаш: Ушбу босқичда мамлакатнинг инвестиция стратегиясига мос келадиган потенциал инвестиция лойиҳалари танланади ва баҳоланади;

❖ инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш: Лойиҳалар танлаб олингандан кейин уларни молиялаштириш йўллари аниқланади. Бу тақсимланмаган фойда каби ички манбалардан ёки кредитлар, акциядорлар ёки инвесторлар каби ташқи манбалардан фойдаланишни ўз ичига олиши мумкин;

❖ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш: Бу босқич ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳалари асосида ишни амалга оширишни, жумладан, инновацион технологияларни сотиб олиш эвазига ишлаб чиқариш қувватларини қуриш, ўрнатиш ва ишга туширишни назарда тутди;

❖ инвестиция дастурининг мониторинги ва назорати: Инвестиция лойиҳалари амалга оширилгандан сўнг инвестиция дастурининг бажарилишини назорат қилиш ва назорат қилиш зарур. Инвестициялар натижалари, унинг мамлакат мақсадларига таъсири баҳоланади ва мумкин бўлган тузатиш чоралари аниқланади.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш амалга ошириладиган ушбу инвестицион босқичлар ҳар қандай давлат инвестиция сиёсати доирасида амалга ошади. Давлат инвестиция сиёсати - бу "давлат томонидан мамлакат иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар ва ҳаракатлар мажмуидир. Ушбу сиёсатнинг мақсади иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ва давлатнинг рақобатбардошлигини оширишдан иборат" (Мальцева ва Грифт, 2012).

Ўзбекистонда инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қуйидаги стратегик аҳамиятга эга томонлар томонлар иштирок этади:

❖ Ўзбекистон ҳукумати: инвестиция фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, инвесторлар учун солиқ ва божхона

имтиёзлари беради, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тендер ва танловлар ўтказди;

❖ маҳаллий ҳукумат вакиллари: инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ҳокимият ер участкаларини ажратади, лойиҳаларини маҳаллий бюджетлар ҳисобидан молиялаштириш, лицензия ҳамда рухсатномалар олишда кўмаклашади;

❖ молия институтлари: банклар, венчур фондлари инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун кредитлар ва кафолатлар беради, инвестиция дастурларини биргаликда молиялаштиришда иштирок этади;

❖ инвестиция экспертлар гуруҳи ва илмий-тадқиқот ташкилотлари: экспертлар инвестиция имкониятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, илмий-тадқиқот ташкилотлари эса инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади.

Хорижий инвестицияларини жалб қилиш учун лойиҳалар ташаббускорлари қаторига нафақат ҳукумат идоралари, балки хусусий ташкилотлар чиқиши мумкин. Хусусий ташаббускорлар хўжалик юритиш бўйича амалга оширилиши таклиф қилинаётган лойиҳалар билан чиқса, давлат бошқарув органлари йирик корхоналар ва хўжалик субъектлари жойлардаги амалга оширишга таклиф қилинаётган лойиҳалар бўйича иш олиб боради. Шу сабабли, бизнингча, бу жараён мураккаб ва амалга ошириш жараёнлари билан кўплаб ўрганилиши лозим бўлган ҳолатлар билан мураккабдир.

1-жадвал

Хорижий инвестицияларни жалб этишда “Ягона дарча” тамойилини жорий этишда давлат ва хорижий инвестор учун ютуқлар (Жамолов, 2024)

“Ягона дарча”нинг давлат учун ютуқ томони	“Ягона дарча”нинг хорижий инвестор учун ютуқ томони
-хорижий инвестициялар бўйича барча маълумотларга эга бўлиш; -“Ягона дарча” орқали назорат функциясини амалга ошира олиш; -хорижий инвестициялар билан тизимли равишда иш олиб бориш; -давлат инвестиция фаоллигини “Ягона дарча” орқали амалга ошириши лойиҳалаш, дастурлаш, субсидиялаш, имтиёзлар бўйича кўрсатмалар бериш амалга ошириш; -ижтимоий ва иқтисодий дастурларни амалга ошириш имкониятини янада ошириш; -давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш вақтида хорижий маблағ ва имкониятини аниқлаш.	- “Ягона дарча” орқали тезкор равишда ҳужжатларни йиға олишлик; - “Ягона дарча” хорижий инвестор учун вақт ва харажатларни камайтириш имкониятини оширади; - “Ягона дарча” хорижий инвесторлар учун мамлакатдаги қонунчилик билан боғлиқ маълумотларни бера олади; - хорижий инвестицияларни киритишда юзага келиши мумкин бўлган камчилик ва муаммоларни олдини олишга ёрдам беради; - хорижий инвестицияларни киритиш билан боғлиқ лицензия ва рухсатномаларни олишни имкониятини беради.

Давлат инвестиция сиёсатининг ягона тамойилини амалга ошириши эвазига хорижий инвестициялар оқимини жадаллаштириш мумкин. Ягона тамойил бу ҳолатда ҳукумат лойиҳа ташаббускорларининг фаолиятини мувофиқлаштиришда: лойиҳа олди ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишида ва экспертизасини ташкил қилиб, уни назорат қилишда аниқ йўналтирилган инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқиш ва экспертиза қилиш имкониятига эга бўлишлиги лозим. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ягона давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш, ушбу йўналишда инвестиция муҳитини яхшилаш, иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларига инвестициялар, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилишни жадаллаштириш, инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини таъминлаш ҳукумат олдидаги бирламчи вазифа доимий эътибордаги масаладир.

Ягона давлат сиёсатини амалга оширишда “Ягона дарча” тамойилини жорий этишда мамлакат ва хорижий инвестор учун ютуқ томонларини кўриб ўтадиган бўлсак, улар 1-жадвалда келтирилган.

“Ягона дарча” тамойили - ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун маъмурий тартиб-қоидалар ва расмийлаштирилган соддалаштириш ва стандартлаштириш тушунчаси. Ушбу тамойилга кўра, импорт, экспорт ёки транзит учун зарур бўлган барча ҳужжатлар бир ойнага, яъни ушбу ҳужжатларни қайта ишловчи битта марказ ёки ташкилотга топширилади ва уларнинг ўз вақтида бажарилиши учун жавобгар ҳисобланади.

Ягона ойна тамойилининг асосий мақсади халқаро савдо билан боғлиқ расмийлаштирилган бажариш учун зарур бўлган вақт ва харажатларни минималлаштириш ва бутун жараёнинг шаффофлиги ва прогноз қилинишини таъминлашдир.

“Ягона ойна” тамойилини қўллаш қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ва давлат органлари ўртасидаги электрон ҳамкорликни таъминловчи ихтисослаштирилган марказлар ёки ахборот тизимларини яратиш.

- халқаро савдо операциялари учун зарур бўлган тартиб ва ҳужжатларни соддалаштириш ва стандартлаштириш.

- ҳужжатларни қайта ишлаш ва расмийлаштирилган тўлдириш учун масъул бўлган турли давлат органлари ўртасида идоралараро ҳамкорликни ва мувофиқлаштиришни ташкил этиш.

Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига ҳужжатларни расмийлаштириш, бож ва йиғимларни тўлаш, шунингдек, бошқа расмийлаштирилган масалалари бўйича ахборот таъминоти ва маслаҳатлар бериш.

Хорижий инвестициялар фаолиятида “Ягона дарча” тамойили - бу молиялаштириш аризаларини қабул қилиш, инвесторларни қидириб топишга ёрдам, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун манфаатдор корхоналарга рухсатномалар ва лицензиялар олиш билан боғлиқ расмийлаштирилган, тартиблар бир бўлим орқали амалга ошириладиган ёндашув. Бу инвесторларга вақт ва молиявий харажатларни минималлаштириш, шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб қилиш жараёнини соддалаштириш имконини беради.

Инвестицияларни рағбатлантириш агентлиги тизимида “ягона дарча” тамойили инвесторлар, манфаатдор давлат органлари ва маҳаллий ҳокимликлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган бўлинмалар ёки марказларни ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Бундай марказларнинг асосий функциялари қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- ❖ молиялаштириш учун аризаларни тўплаш ва қайта ишлаш: ягона ойна муайян инвестиция лойиҳаларига инвестиция киритиш имкониятларини ўрганмоқчи бўлган потенциал инвесторлар учун кириш нуқтаси бўлиб хизмат қилиши мумкин;

- ❖ инвесторларни қидиришда ёрдам: ягона ойна мавжуд маблағлар, уларнинг шартлари ва талаблари ҳақида маълумот бериш орқали муайян лойиҳалар учун мос инвесторларни топишга ёрдам беради;

- ❖ лойиҳалар бўйича маълумот бериш: “ягона дарча”да ҳудудда амалга оширилаётган турли инвестиция лойиҳалари, жумладан, уларнинг мақсадлари, кутилаётган натижалар ва рисклар тўғрисида тўлиқ маълумотлар тақдим этиши мумкин. Бу потенциал инвесторларга онгли равишда инвестиция қарорларини қабул қилишга ёрдам беради;

- ❖ тадбирлар ва учрашувларни ташкил этиш: “ягона дарча” маркази семинарлар, конференциялар ва бошқа тадбирларни ташкил қилиши мумкин, уларда потенциал


инвесторлар лойиҳа вакиллари билан учрашишлари ва ҳамкорликнинг мумкин бўлган вариантларини муҳокама қилишлари мумкин;

❖ лойиҳани қўллаб-қувватлаш: ягона ойна лойиҳаларни режалаштириш ва ишлаб чиқишдан тортиб натижаларни амалга ошириш ва мониторингигача бўлган бутун ҳаёт цикли давомида қўллаб-қувватлаши мумкин;

❖ томонлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик платформасини яратиш: ягона ойна потенциал инвесторлар, лойиҳа гуруҳлари ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасидаги мулоқот учун платформа бўлиб хизмат қилади, бу эса юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни тез ва самарали ҳал этиш имконини беради.

“Ягона дарча” тамойилини жорий этишдан мақсад маъмурий тўсиқларни камайитириш, инвестицияларни жалб қилиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва қулай инвестиция муҳитини яратишдан иборат.

Инвесторларга “Ягона дарча” тамойили асосида (аэропортдан бошлаб кутиб олиш, инвестиция визасини тақдим этиш, музокаралар учун шароитлар яратиш ва бошқалар) Инвесторлар маркази орқали хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш муҳимдир (Фармон, 2023).



1-расм. “Ягона дарча” сифатида фаолият юритувчи Инвесторларга кўмак марказининг чизмаси

Манба: Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги маълумотлари асосида.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича агентлик тизимидаги “ягона дарча” тамойили инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун лицензиялар олиш билан боғлиқ зарур расмийчилик ва тартиблари бир бўлим орқали амалга оширилишини назарда тутди. Бу молиявий маблағ киритмоқчи бўлган инвесторларнинг вақт харажатларини минималлаштириш имконини беради, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш жараёнини соддалаштиради. Ушбу тамойил доирасида ихтисослаштирилган бўлинмалар инвесторлар, давлат органлари ва ташкилотлар ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш учун жавобгардир. Улар сармоядорларга маслаҳат ва маълумотлар беради, рухсат олиш учун аризаларни тўплайди ва кўриб чиқади, давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик

қилади, процедураларни бажариш муддатларига риоя этилишини назорат қилади. “Ягона дарча” тамойилини жорий этишдан мақсад маъмурий тўсиқларни камайтириш, инвестицияларни жалб қилиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва қулай инвестиция муҳитини яратишдан иборат. Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги таркибида “ягона дарча” сифатида “онлайн” режимда фаолият юритувчи ҳамда инвесторлар, манфаатдор давлат органлари ва маҳаллий ҳокимликлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштирувчи Инвесторлар марказини ташкил этиш таклифи асосланган.

Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш жараёнида муҳим ўринни Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ўйнайди. Вазирлик ташаббуси билан 2008 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда жами 604 та лойиҳалар амалга оширилган бўлиб, уларга 896,9 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилган. Ушбу инвестицион лойиҳалар ҳисобига 55 мингга яқин янги иш ўринлари яратилган (Собиров, 2009). Вазирлик иқтисодиёт тармоқларининг турли йўналишларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари ва кредитларни жалб қилиш учун инвестиция таклифларининг ягона базасини шакллантириш ва доимий янгилашни амалга оширишини ҳисобга олган ҳолда у ерда “Ягона дарча”ни шакллантириш тавсия этилди. Бундан ташқари, “унинг вазифасига салоҳиятли хорижий инвесторлари ва кредиторларига амалга оширишга тақдим этилаётган инвестиция таклифлари тўғрисидаги маълумотларни етказиш ва уларга қўшимча маълумотлар билан ўз вақтида таъминлаш; хорижий инвесторларининг таклифларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш ҳамда қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда инвестиция лойиҳалари ва импорт контрактлари экспертизасини ўз вақтида ўтказиш; хорижий инвестициялари ва кредитларини жалб этиш ва ўзлаштириш, эришилган келишувларни расмийлаштириш бўйича давлат органлари ва лойиҳа ташаббускорларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга ёрдам кўрсатиш, қонунчиликда белгиланган ҳолларда Ҳукумат номидан чет эллик инвесторлар билан инвестиция шартномасини тузиш ишларини амалга оширади”.

Жаҳондаги ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида хорижий инвестицияларини жалб қилиш ва ўзлаштириш бўйича “Ягона дарча” тамойилини жорий этганлари тажрибаси шуни кўрсатадики, инвесторлар учун яратилган муҳит мамлакат иқтисодиётига инвестиция жалб қилишнинг имкониятларини янада кенгайшига сабабчи бўлади. “Ягона дарча” тизими бундан ташқари, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуrollантиришни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш жараёнида давлат ва хўжалик юритувчи органлар фаолиятини мувофиқлантиради. Республикаимизда жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган, инвесторларга “Ягона дарча” тамойилини жорий этиш муҳимдир. У нафақат маъмурий тўсиқларни камайтириш, балки инвестицияларни жалб қилиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва қулай инвестиция муҳитини яратишда ёрдам беради;

Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш йўналишларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган илмий мақоламизда қуйидаги илмий хулосалар шакллантирилган:

Ўзбекистон иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари бизга шуни берадики, чет эл сармоялари ҳар қандай иқтисодиёт учун муҳим, унинг иқтисодий ўсиш ва тараққиётга таъсир этувчи омилларини таъминлаб беради. Муаллиф илмий мақола бўйича хорижий инвестицияларни жалб қилиш назария ва моделларида оптимал валюта курси

назарияси, мультипликатор модели, маҳсулотнинг ҳаётӣ цикли ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар моделлари ташкил этади. Ушбу назария ва моделлар хорижий инвестициялар иқтисодий ўсиш ва ривожланишида самарали фойдаланиш йўллари ҳам ўз ичига олади.

Жаҳон мамлакатлари тажрибаларида хорижий инвестицияларни жалб қилишда қуйидаги умумий йўллари ажратиб ўтиш мумкин:

- ❖ аксарият мамлакатлар хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун стратегик режалаштиришдан фойдаланадилар. Стратегия уларга узоқ муддатли режаларни ишлаб чиқиш, такомиллаштиришда устувор йўналишлар ва мақсадларни белгилаш учун хизмат қилади;

- ❖ тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол равишда жалб қилади. Бунда мамлакатлар инвесторларга солиқ имтиёзлари, субсидиялар, кредит кафолатлари ва бошқа имтиёзларни таклиф қилади.

- ❖ инвесторларни жалб қилишда ўзида яхшиланган инфратузилмалар: кўпинча яхши йўллар, аэропортлар, портлар ва телекоммуникациялар каби ривожлантиришни афзал кўрадилар;

- ❖ хорижий инвесторларни рўйхатга олиш ва бизнес тартиб-қоидаларини соддалаштириш орқали янада жозибador қиладилар;

- ❖ инвесторларни кўпинча малакали ишчи кучининг мавжудлиги жалб қилади. Шу сабабли турли йўналишда малакали кадрлар тайёрлашни ривожлантириш мамлакатга хорижий сармояларни жалб қилишга ёрдам беради;

- ❖ хорижий инвесторларни жалб қилиш инвесторларга солиқ имтиёзлари ва таътиллари берилиши муҳим бўлиши мумкин, сабаби улар айрим турлари товарларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришига олиб келиши мумкин.

Худудларнинг инвестицион салоҳиятини таҳлил қилиш тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш билан боғлиқ ва у мамлакат тараққиётини муҳим воситасидир. Бу инвесторлар учун маълум бир худудга инвестиция киритиш билан боғлиқ потенциал имкониятлар ва хавфларни баҳолаш, шунингдек, бизнесни ривожлантиришнинг энг истиқболли йўналишларини аниқлаш имконини беради. Улар қаторида Инвестицияларни рағбатлантириш агентлиги тизимида “ягона дарча” тамойили жориц этиш инвесторлар, манфаатдор давлат органлари ва маҳаллий ҳокимликлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш муҳимдир. “Ягона дарча” тамойилини жорий этишдан мақсад маъмурий тўсиқларни камайтириш, инвестицияларни жалб қилиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва қулай инвестиция муҳитини яратишда ёрдам беради.

Адабиётлар/Литература/References:

Miit,uz (2025) Ministry of Investment, Industry and Trade of the Republic of Uzbekistan. Ministry of Investment, Industry and Trade of the Republic of Uzbekistan. [online] Available at: <https://miit.uz/uz/menu/svobodnye-ekonomicheskie-zony-uzbekistana-itogi-2022-goda-i-perspektivy-razvitija-na-2023-god>.

Абдурахимова С.А. (2022) Ўзбекистонда инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори DSc диссертацияси автореферати. Т. 16-19 б.

Аманова Н.У. (2023) Инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори PhD диссертацияси автореферати. Т. 19-21 б.

Валиев Б.Б. (2021) Ўзбекистонда худудлар иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда инвестиция салоҳиятини ошириш механизми. Иқтисодиёт фанлари доктори DSc диссертацияси автореферати. Т. 25-27 б.

Жамолов Ж.Ж. (2024) Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш йўналишларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори PhD диссертацияси. Т. 116-126 б.

Кэмбелл Р., Макконнелл К. Р., (1993) Брю., С. Л. Экономика: принципы, проблемы и полетика. В 2-х топ Таллин, с.399-40.

Мальцева А.А., Грифт Э. (2012) Прыжок «Кельского тигра»: ключевые факторы успеха экономики Ирландии, обусловленные развитием инновационной инфраструктуры. // Научный журнал «Менежмент инноваций». №4, Ст.258.

Михайлова Е.В. (2007) Финансовые рынкии их формирование. Под. Ред. Л. Н. Красавиной.-М. с-357.

Розенберг Д.М. (2007) Инвестиции.-м.:Инфра, с-173.

Собиров А. (2009) Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига инвестициялар жалб этишни давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш (хусусийлаштираётган корхоналар маълумотлари асосида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т. 13 б.

Фармон (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 июлдаги ПФ-111-сон “Маъмурий ислохотлар доирасида инвестициялар, саноат ва савдо соҳасида давлат бошқарувини самарали ташиқ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.